



Шер ва Куёш (форс. شیر و خورشید - Шир-о хоршид) — кадимги Шарк давлатлари даври рамзларидан бири. Ушбу мотив XII асрдан бошлаб Салжукийлар давлатида таникли рамзга айланди. Шер ва Куёш рамзи асосан астрономик ва астрологик конфигурацияларга асосланади: кадимги Бобил астрономияси ва Якин Шарк анъаналари давридан маълум бўлган Шер буржидаги Куёшнинг кадимий белгиси.

Тарихи

Мотив тарихда кўплаб ва хилма-хил маъноларга эга бўлиб келган. Салжукийлар давридан (12-аср) бошлаб ушбу рамз оммалаша бошлаган. Шер ва Куёш рамзи илк марта туркий-салжукийлар сулоласининг тангаларида пайдо бўлган, сўнгра мўгуллар ва улардан кейин Амир Темур томонидан ҳам фойдаланилган. Дастлаб факат астрологик ва бурж рамзи бўлган.

1929 йил пан-эронизм мафкурасининг издошларидан бири Мужтаба Минувий Эроннинг Лондондаги элчихонаси илтимосига кўра тайёрланган маърузасида рамзнинг туркий келиб чиқишини кайд этган. Хукуматга уни бошка миллий логотип билан алмаштиришни тавсия килган:

«Миллий тарихий хотираларни Шер ва Куёш эмблемасига боғлаш мумкин эмас, чунки у исломгача бўлган тарихга алоқадор эмас, эронликлар уни ишлаб чиккан ёки яратганлиги хақида ҳеч қандай далил йўқ... Биз туркий халқнинг бу саркитидан кутилиб, афсонавий буюклигимизни, «*daravsh-i Kaviani*»ни энг яхши тарзда ифодаловчи байрокни қабул қилишимиз мумкин».

Сафавийлар ва Кожарлар даври

Сафавийлар ва Кожарлар сулолалари ҳукронлик қилган даврда Шер ва Куёш рамзи янада оммалашган. Сафавийлар даврида у жамиятнинг икки устуни – давлат ва ислом динини англатарди. Миллий эмблема макомини Кожарлар даврида қўлга киритган. XIX асрда европалик сайёҳлар Кожарлар саройидаги Шер ва Куёшни қадимги давр билан боғлашган; шундан буён рамз миллатчилик талқинига эга бўлди. Фотих Али-шоҳ Кожар ва унинг ворислари даврида мотив шакли жиддий ўзгартирилди. Рамзнинг юқори қисмига монархияни ифодаловчи тож қўйилди. Фотих Али ҳукмронлигидан бери монархиянинг исломий жихатига ургу берилмаган. Бу ўзгариш гербнинг рамзийлигига таъсир қилди. Рамз маъноси Кожарлар даври билан 1979 йилги инқилоб ўртасида бир неча марта ўзгарди. Шер мамлакатни душманлардан ҳимоя қилишга тайёр бўлган Эрон қахрамонлари, Пайгамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғли Али ибн Абу Толиб образи ёки қадимий талқинида шох ҳокимиятининг рамзи бўлган метафора сифатида талқин қилиниши мумкин эди. Куёш галма-гал, баъзида Эроннинг афсонавий шоҳи Жамшид ва умуман Ватаннинг рамзи сифатида талқин қилинган.

Герб маъносининг турли тарихий талқинлари Эрон ўзлигининг рақобатлашувчи рамзларига бой замин яратди. XX асрда айрим сиёсатчилар ва олимлар эмблемани қадимги афсонавий Эрон (Форс) қирол штандарти — Деравш Кавиани қаби рамзлар билан алмаштиришни таклиф қилишди. Шундай бўлса-да, Шер ва Куёш рамзи жамоат жойлари ва давлат ташкилотларида Эроннинг замонавий герби (эмблемаси) билан алмаштирилган 1979 йил инқилобигача ушбу эмблема давлат расмий рамзи бўлиб қолаверди.